

ТУМАН ҲОКИМИ БОШЧИЛИГИДАГИ ИШЧИ ГУРУҲ МАҲАЛЛАЛАРДАГИ МУАММОЛАРНИ ЎРГАНДИ.



Қизириқ тумани ҳокими Рустам Пардаев ўзининг ўринбосарлари, тумандаги ташкилот, корхона раҳбарларидан иборат ишчи гуруҳ билан туманнинг чекка маҳаллаларидан аҳолининг муаммоларини жойида ўрганиш ишларини бошлади. Тумандаги “Гулзор”, “Мустақиллик” “Шодлик” маҳаллаларини жойида ўрганиш давомида соҳаларда мавжуд муаммолар мутахассислар иштирокида кўриб, ўрганилди ҳамда уларни ҳал этиш бўйича амалга ошириладиган ишлар режалаштириб олинди. Маҳаллаларни ўрганишда аниқланган ҳар бир муаммони ҳал этиш юзасидан соҳа вакилларига туман ҳокими Р.Пардаев томонидан кўрсатма ва муддатлар берилди.







